

Бекобод туманидаги «Далварзин» жоме масжиди катта йўл ёқасига кўчирилмоқда



11:45 / 04.09.2019 3113

Тошкент вилоятида йўловчилар ва зиёратчиларга ҳар тарафлама қулайлик яратиш, намозхонлар учун юқори даражада шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида 28 та масжид янгидан замонавий лойиҳалар асосида қурилмоқда. Бекобод тумани Зафар шаҳарчаси бўйида жойлашган «Далварзин» жоме масжиди шу пайтгача кўримсиз бир жойда – йўл бўйидан ичкарироқдаги бурчақда жойлашган эди. «Бекобод тумани ҳокимининг қарори билан масжидимиз учун қўшимча 35 сотих ер майдони ажратилиб, катта йўл бўйида янгидан қурилмоқда. Натижада 50 сотих майдонда маҳаллий аҳоли ва йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган кўркам ибодат ва маърифат уйи қад кўтаради иншааллоҳ,» дейди масжид имом-хатиби Анваржон Риҳсибоев. Ҳозирда қурилиш ишлари қизғин бошлаб юборилган. Куни кеча 3 сентябрь куни Тошкент вилояти

бош имом-хатиби Хайруллоҳ домла Турматов бошчилигида имомлар, кекса нуронийлар, масжид фаоллари, маҳаллий аҳоли эзгу ният, дуои хайрлар билан масжиднинг биринчи ғиштини қўйишди.

Лойиҳага кўра сиғими 700-750 кишига мўлжалланган асосий хонақоҳ, 27 метрлик минора, кутубхона, таҳоратхона, хизмат хоналари, аёллар учун таҳоратхона ва намозхона ҳамда кенг автотураргоҳ масжиднинг умумий тузилишини ташкил этади.

Масжидларни таъмирлаб, барпо этишдек савоби улуғ, садақаи жория бўлгувчи хайрли ишларда ташаббус кўрсатаётган, ҳиссалари қўшилаётган барча ҳашарчилар, кўнгилли хизматчилар, мутасаддилар ҳақларига холис дуолар қилинди. Масжид тез орада қад кўтариб, келажак авлод учун кўп йиллар ҳидоят маёғи бўлиб хизмат қилишини ният қилинди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти